

## **ГЛОУКОМАНИНГ ТУРЛИ БОСҚИЧЛАРИДА КЎЗ СКЛЕРАСИ ВА КЎЗ ҚОВОҒИ ЭПИТЕЛИАЛ ЎСМАЛАРНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ.**

**Завгородний Рустам Дмитриевич., Каримов Расулбек Хасанович.,  
Якубов Алибек Баходирович.  
Урганч давлат тиббиёт институти.**

**Мавзунинг долзарблиги:** касалликлар орасида офтолмологик касалликлар ичида глоукомадаг кўриш қобилятининг секин-аста йўқотишга олиб келувчи нейродегенератив касаллик бўлиб, унинг натижасида патогенезида кўз ичи босимининг ошиши билан бир қаторда склера тўқимасининг морфофункционал ўзгаришлари муҳим ўрин тутди. Шу билан бир қаторда, кўз қовоғи тери ва эпителиал тузилмаларининг трофик ҳолати глоукоманинг турли босқичларида ўзгариб, эпителиал ўсмалар ривожланиши учун морфологик замин яратиши мумкин. Мазкур масала офталмология соҳасида ҳозиргача кам ўрганилган бўлиб, уни комплекс морфологик таҳлил қилиш долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** тадқиқотнинг мақсади сифатида глоукоманинг турли босқичларида кўз склераси ҳамда кўз қовоғи эпителиал ўсмаларининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари:** Тадқиқот материаллари сифатида глоукоманинг I–IV босқичларида жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморлардан олинган склера тўқимаси ва кўз қовоғи эпителиал ўсмаларининг биопсиялари ўрганилди. Ўрганиш давомида гистологик таҳлил гематоксилин-эозин билан бўйаш орқали амалга оширилди. Морфометрик кўрсаткичлар коллаген толаларининг қалинлиги, фибробластлар зичлиги ва эпителиал хужайра атипияси даражаси бўйича баҳоланди.

**Тадқиқот натижалари:** Олинган тадқиқот натижаларига кўра, Глоукома касаллигининг дастлабки босқичларида склерада коллаген толаларининг қайта ҳосил бўлиши ва фибробластлар фаоллигининг ошиши кузатилди. Касалликнинг кеч босқичларда эса склероз, гиалиноз ва микроциркулятор ўзгаришлар аниқланди. Кўз қовоғи эпителиал ўсмаларида эпителий гиперплазияси, акантоз ва айрим ҳолларда хужайра атипияси белгилари кузатилди. Глоукоманинг илгариланган босқичларида эпителиал ўсмаларда пролифератив фаолликнинг ошиши тенденцияси қайд этилди.

**Хулоса:** хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, глоукоманинг турли босқичларида кўз склерасидаги морфологик ўзгаришлар кўз қовоғи эпителиал тузилмаларининг трофик ҳолатига таъсир кўрсатади. Аниқланган морфологик

хусусиятлар глаукома билан оғриган беморларда кўз қовоғи эпителиал ўсмаларини эрта ташхислаш ва профилактика қилишда аҳамиятли ва муҳим омил ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Каримов Р. Х., Мусаев У. М., Рузметова Д. Т. ЯТРОГЕНИЯ НА ПРИМЕРАХ ИЗ ПРАКТИКИ (По данным лет обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 10-12.
2. Sabirjanevich YB, Khasanovich KR, Safarboevich RS. RELATIONSHIP OF OTHER TYPES OF DISEASES WITH EYE DISEASES. МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА. 2024;2(1):29-35.
3. Sabirjanevich YB, Khasanovich KR, Tulibaevna RD, Safarboevich RS. RATE OF GLAUCOMA IN PENSION AGE CITIZENS (2023 in the example of the city of Urganch). International Journal of Alternative and Contemporary Therapy. 2024;2(1):4-7.
4. Эсамуратов, О., Раджапов, А., Каримов, Р., Худайбергенов, Г., & Якубов, А. (2026). КЎЗ ҚОВОҒИ ЭПИТЕЛИАЛ ЎСМАЛАРИ. INTERNATIONAL CONFERENCE ON MEDICINE, SCIENCE, AND EDUCATION, 2(10), 259–260. <https://doi.org/10.5281/zenodo.18175889>
5. Esamuratov, O., Radzharov, A., Karimov, R., Khudaibergenov, G., & Yakubov, A. (2026). EPITHELIAL TUMORS OF THE EYELID. -, 3(1), 8–9. <https://doi.org/10.5281/zenodo.18224724>